

Ансорийларга ўйин-кулги ёқади | Сийрат дарслари (310-дарс)



19:00 / 06.12.2024 2363

546. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Иддаси чиққанда Абу Бакр унга совчилик қилиб, одам юборди. Унга тегмади. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари учун совчи қилиб Умар ибн Хаттобни унга юбордилар. Шунда у: «Мен рашкчи аёлман, болали аёлман. Қариндошларимдан бирортаси ҳозир йўқ», деди. Сўнг у (Умар) келиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга бўлган нарсани зикр қилди. Шунда у зот: **«Унинг олдига қайт ва унга айт: «Мен рашкчи аёлман» деганиннга келсак, Аллоҳга дуо қиламан, рашкингни кетказади. «Мен болали аёлман» деганиннга келсак, фарзандларингнинг нафақасидан халос бўласан. «Қариндошларимдан бирортаси ҳозир йўқ» деганиннга келсак,**

олдингда бўлсин, узоқда бўлсин, бирорта қариндошинг бу ишни ёмон кўрмайди». Шунда у (Умму Салама) ўғлига: «Ҳой Умар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уйлантир!» деди». Сўнг уйлантирди.

Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

547. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз бирор аёлга совчи қўймоқчи бўлса, агар унинг никоҳига чорловчи нарсасини кўришга қодир бўлса, шундай қилсин»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

548. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши бир аёлни ансорлардан бириникига тушириб олиб борди. Шунда Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳой Оиша, сизларда ҳам ўйин-кулги бўлдими, чунки ансорийларга ўйин-кулги ёқади»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

549. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз бирор аёлга уйланса ёки ходим сотиб олса, «Аллоҳим, Сендан унинг яхшилигини ва Сен унга берган жибиллят(ахлоқ)нинг яхшисини сўрайман. Ҳамда Сендан унинг шарридан ва Сен унга берган жибиллят(ахлоқ)нинг ёмонидан паноҳ сўрайман»**, десин», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.